

2021 йил "15" декабрдаги "Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК" Навоий вилоят ҳудудий филиали билан "MARS-2000" МЧЖ ўртасида тузилган 53-5152 сонли шартномага илова

ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА КЕЛИШУВ № 53-5152/1

Навоий шахри

"06" январ 2022 йил

"MARS-2000" МЧЖ кейинги ўринларда "пудратчи" деб юритилади. Ўзининг низом асосида иш юритувчи **О. Содиқов** номидан бир томондан ва "Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК" Навоий вилоят ҳудудий филиали кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг низом асосида иш юритувчи **А.Бўриев** номидан, иккинчи томондан мазкур келишувни туздилар.

- 1 Тарафлар 2021 йил "15" декабрдаги 53-5152 сонли шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида келишдилар.
- 2 Шартномани ўзгартириш қилиниши сабаби:

Шартноманинг 2.2- бандидаги умумий суммаси **139 911 298** (бир юз уттиз туккиз миллион туккиз юз ун бир минг икки юз туксон саккиз) сўм. Объектнинг ҳозирги шартнома суммаси **139 911 298** (бир юз уттиз туккиз миллион туккиз юз ун бир минг икки юз туксон саккиз) сум деб уқилсин.

- 3 Пудратчи томонидан 2022 йилда бажариладиган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда **139 911 298** сум қилиб белгиланди.
- 4 Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Навоий вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кирилади, амал қилиш муддати 31.12.2022 йил. Келишув икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва 2021 йил "15" декабрдаги 53-5152 сонли шартномага илова
- 5 қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Мазкур келишув томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"БУЮРТМАЧИ"

"Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти ҳудудий филиали

Манзил: Навоий шахри,

А.Темур кучаси 4 уй

СТИР: 307910413

л/с: 400121860124017042930110001

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Топкенев, ш. МБББ ХХКМ

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Раҳбар:

А. Бўриев

"ПУДРАТЧИ"

"MARS-2000" МЧЖ

Манзил: Кизилтепа тумани

Ғойибон МФЙ

тел 91-308-6060 91-330-79-21

СТИР: 203 320 211

Банк номи: Навоий шаҳар

Ипак йули банк

МФО: 00199

х/р: 2020 8000 3040 6656 8001

ОКЭД 41202

Раҳбар:

О. Содиқов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 декабрдаги қарорига асосан) "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисида" қонуннинг 1-баъзи баъзи қисмига асосан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисида" қонуннинг 21-моддасида белгиланган шартнома предмети бўлган объектнинг қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида ҳуқуқий экспертиза о'тказилди. О'тказилган ҳуқуқий экспертизадан мақсад томонлар о'ртасида тузилган шартнома (билим)нинг предмети, шартлари, томонларнинг жавобгарлик масалалари ҳамда низоламини ҳал қилш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқлиги аниқлашдан иборатдир. Шартноманинг барча шартлари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Кодаксининг 24 ва 26-боблари талабига мувофиқ равишда тўлиқ жавоб беради. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида тузилган.



Навой ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навой вилояти худудий филиали томонидан низом асосида рахбар А.Н.Бўриев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “MARS-2000” МЧЖ номидан Низом асосида директори О. Содиков иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Навой вилояти Кармана туман Бахор кўчаси 28-уйнинг том қисмини жорий таъмирлаш” объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг (2021 йил “13” 12_даги 01-124/2-сон баённома) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 139 911 298 (бир юз уттиз туккиз миллион туккиз юз ун бир минг икки юз туксон саккиз) сумни ташкил этади.

3. Курилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 18 кунда топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдони худудиде вақтинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида

3 иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартномалар қиймати ўзгармасдан тузилиши белгилаб қўйилсин.

- курилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади. бу **41 973 389 (қирк бир миллион туккиз юз етмиш уч минг уч юз саксон туккиз) сўмни** ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукукига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўнайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юригади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини қўриклаш

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилишни тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

Х. Кафолатлар

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Навоий вилоят иқтисодий судида кўриб чиқилади.

ХI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчинини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиларни

“БУЮРТМАЧИ”

“ Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти ҳудудий филиали

Манзил: Навоий шаҳри,

А.Темур кучаси 4 уй

СТИР: 307910413

л/с: 400121860124017042930110001

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент ш. МБББ ХХКМ

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар:  А. Бўриев

“ПУДРАТЧИ”

"MARS-2000" МЧЖ

Манзил: Кизилтепа тумани

Ғойибон МФЙ

тел 91-308-6060 91-330-79-21

СТИР: 203 320 211

Банк номи: Навоий шаҳар


Ипак йули банк

МФО: 00199

х/р: 2020 8000 3040 6656 8001

ОКЭД 41202

Рахбар:  О. Содиқов



Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари

ЖАДВАЛИ

1-илова

Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	2021 йил учун қурилиш қиймати												Ишлар тури қийматининг жами
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
Навоий вилояти Кармана туман Баҳор кўчаси 28-ўйнинг том қисмини жорий таъмирлаш		139 911 298,0												139 911 298	139 911 298

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

2. Келгуси йиллардаги қурилиш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

БУЮРТМАЧИ:

Раҳбар
М.Ў.



“Навоий вилояти Кармана туман Баҳор кўчаси 28-ўйнинг том қисмини жорий таъмирлаш”
(босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолдаги
молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шarti	2021 йил учун қурилиш қиймати											
	ойлар											
	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
30 % бўнак(аванс) тўлови											41 973 389	
65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан											90 942 344	
5 % тўлов кафолат мuddати тугаганидан сўнг											6 995 565	

БУЮРТМАЧИ:

Раҳбар
М.Ў.



"КЕЛИШИЛДИ"

Навоий вилояти ҳоқими
Ўринбосари

Б.Бобомуродов

2021 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг
Ўринбосари

2021 й.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг
Ўринбосари

Н.Назиров

2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш туғрисида" 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ 2021 йил учун Навоий вилояти кўп квартиралли уй-жойларни муқаммал ва жорий таъмирлаш бўйича 1-босқич бўйича

МАНЗИЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Т/р	МФЙ номи	Уй манзили	шу жумладан, иш турлари бўйича:																	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган	2021 йил Жами қилинган қўйилган қўйилган
				томин таъмирлаш			кўриниш бўлақларининг таъмирлаш (подъезд)		қўлдан келтирилган таъмирлашнинг урнатилиши			электр таъмирлашнинг таъмирлаш		ер тула қисмидаги муҳандислик қўйилган ишларининг таъмирлаш		уй ичидagi муҳандислик қўйилган ишларининг таъмирлаш		фасаднинг таъмирлаш																	
				уёлар соми (зона)	майбони (зона)	таъмир қилинган майбони* (млн.сўм)	қўйилган соми (зона)	таъмир қилинган майбони* (млн.сўм)	таъмир қилинган соми (зона)	қўйилган майбони* (млн.сўм)	таъмир қилинган соми (зона)	қўйилган майбони* (млн.сўм)	таъмир қилинган соми (зона)	қўйилган майбони* (млн.сўм)	таъмир қилинган соми (зона)	қўйилган майбони* (млн.сўм)	уёлар соми (зона)	таъмир қилинган майбони* (млн.сўм)	уёлар соми (зона)	таъмир қилинган майбони* (млн.сўм)															
Қизилтепа тумани																																			
1	1	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 10-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	36,3	98,441	93,519	4,9	2,0	3,0	20 кун	№126-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5394 03.11.2021 Йил	ТЕМИР КАПИТАЛ МОНТАЖ ҚИЗИҚУМ МПЖ									
2	2	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 11-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	36,3	98,442	93,520	4,9	2,0	3,0	16 кун	№127-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5395 01.11.2021 Йил	NAVOIY MELJORASIYA МПЖ									
3	3	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 12-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	36,3	98,441	93,519	4,9	2,0	3,0	20 кун	№128-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5397 03.11.2021 Йил	ТЕМИР КАПИТАЛ МОНТАЖ ҚИЗИҚУМ МПЖ									
4	4	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 13-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	36,3	98,441	93,519	4,9	2,0	3,0	20 кун	№129-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5399 03.11.2021 Йил	ТЕМИР КАПИТАЛ МОНТАЖ ҚИЗИҚУМ МПЖ									
5	5	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 14-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	34,5	96,629	91,798	4,8	1,9	2,9	19 кун	№286-10-2021 17.09.2021 й.	№ 01-722 04.11.2021 йил	"MARJONA KELAJAGI" NK									
6	6	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 15-уй	1	0,3	38,0	1	10,1	1	1	4,16	1	4,9			1	33,0	94,902	90,157	4,7	1,9	2,8	15 кун	№285-10-2021 04.10.2021 й.	№ 01-732 04.11.2021 йил	"BO'STON QURILISH SERVIS" МПЖ									
7	7	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 16-уй	1	0,3	38,0	1	10,1	1	1	4,16	1	4,9			1	33,0	94,902	90,157	4,7	1,9	2,8	15 кун	№284-10-2021 04.10.2021 й.	№ 01-742 04.11.2021 йил	"BO'STON QURILISH SERVIS" МПЖ									
8	8	Ўзбекистон	Гулистон кўчаси 17-уй	1	0,3	38,0	1	10,2	1	1	4,16	1	4,9			1	34,5	96,629	91,798	4,8	1,9	2,9	19 кун	№283-10-2021 04.10.2021 й.	№ 01-752 04.11.2021 йил	"MARJONA KELAJAGI" NK									
9		Қизилтепа тумани бўйича жами		8	2	304	8	81	8	8	33	8	39			8	280	777	738	39	16	23													
Қармана тумани																																			
11	1	Бешкалт	Баҳор кўчаси 28-уй		0,8	139,9											147,275	139,911	7,4	2,9	4,4	18 кун	№471-11-2021 17.11.2021 й.	№ 01-124-2 13.12.2021 йил	"MARS-2000" МПЖ										
12	2	Фарход	Ширин кўчаси 7-уй	1	0,9	13,8	2	9								1	26,36	51,742	49,155	2,6	1,0	1,6	15 кун	№139-09-2021 17.09.2021 й.	№ 01-952 04.11.2021 йил	"SHOXRUXMIRZO NAVOIY" МПЖ									
13		Қармана тумани бўйича жами		1	2	154	2	9								1	26	199	189	10	4	6													
Хатирчи тумани																																			
15	1	Дустанк	Пулкан кўчаси 20-уй	1	1,2	169,4	5	38,0				1	4,9			1	40,3	265,874	252,580	13,3	5,3	8,0	16 кун	№136-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5405 03.11.2021 Йил	NAVOIY MELJORASIYA МПЖ									
16	2	Дустанк	Пулкан кўчаси 21-уй				5	38,0				1	4,9			1	62,4	110,885	105,341	5,5	2,2	3,3	20 кун	№135-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5409 03.11.2021 Йил	BOG ISHAMOL FAROVONLIGI МПЖ									
17	3	Лангир	Юклатиш кўчаси 5-уй				2	65,0	2	2	8	1	4,9			1	62,9	148,261	140,848	7,4	3,0	4,4	20 кун	№131-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5411 03.11.2021 Йил	ТЕМИР КАПИТАЛ МОНТАЖ ҚИЗИҚУМ МПЖ									
18	4	Лангир	Тараққиёт кўчаси 15-уй	1			2	52	2	2	8					1	89,3	157,186	149,327	7,9	3,1	4,7	20 кун	№132-09-2021 17.09.2021 й.	№ 5404 03.11.2021 Йил	ТЕМИР КАПИТАЛ МОНТАЖ ҚИЗИҚУМ МПЖ									

Т/р	Т/р	МФЙ номи	Уй манзили	шу жумладан, иш турлари буйича:														2021 йил жалби қилинган қўшимчалар	Қўшимча ишларнинг учувчи қиймати	Жами буюрмачининг қаражатлари	шу жумладан			Топшириш кўлағи	Таъмирлаш қилинган объектлар саноати	Таъмирлаш ва янгиликларнинг қиймати	Қўшимча ишларнинг қиймати		
				томни таъмирлаш			қирриш йўлларининг таъмирлаш (подъезд)		кўчалар кўлағи таъмирлашнинг урнатиш			электр таъмирлашнинг таъмирлаш		ер тула қисмнинг муҳандислик компанияларининг таъмирлаш		уй ичидagi муҳандислик тармақларининг таъмирлаш					фасадни таъмирлаш		Лойiha-метод ҳужжатларининг қиймати					Буюрмачининг қаражатлари	Буюрмачининг қаражатлари
				уйлар сон (дона)	майdon (миң кв.м)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)	йулактар сон (дона)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)	тўғри линей сон (дона)	кўлағи кўлағи (дона)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)	инстал сон (дона)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)	уйлар сон (дона)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)	уйлар сон (миң)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)				уйлар сон (миң)	жалби қилинган маблағ* (млн.сўм)							
19	5	Лангар	Адолат кучаси 24-уй	1	1,2	147,1	5	25		5	20					1	70,0	275,875	262,082	13,8	5,5	8,3	20 кун	№130-09-2021 17.09.2021 й	№ 5403 03.11.2021 Йил	TEMIR KAPITAL MONTAJ QIZILQUM MJK			
20		Хатирчи тумани буйича жами		3	2	316	19	218	4	9	36	3	15			5	325	958	910	48	19	29							
21		Томди тумани																											
22	1	Томдибулок	Янги Томди кўча 2-уй				2	36,0	2		8,0		1	15,0		1	46,18	110,718	105,182	5,5	2,2	3,3	18 кун	№154-09-2021 17.09.2021 й	№ 5400 29.10.2021 Йил	"OMONMUROD BARAKA" MCHJ			
23	2	Томдибулок	Янги Томди кўча 79-уй	1	0,1	9,0						1	1,0	1	8,0		1	11,41	30,957	29,409	1,5	0,6	0,9	18 кун	№156-09-2021 17.09.2021 й	№ 5401 29.10.2021 Йил	"OMONMUROD BARAKA" MCHJ		
24	3	Томдибулок	Янги Томди кўча 81-уй									1	1,0	1	10		1	12,10	24,315	23,099	1,2	0,5	0,7	18 кун	№153-09-2021 17.09.2021 й	№ 5402 29.10.2021 Йил	"OMONMUROD BARAKA" MCHJ		
		Томди тумани буйича жами		1	0	9	2	36	2		8	2	2	3	33		3	70	166	158	8	3	5						
		ХАММАСИ																											
		Буюрмачининг жами қаражатлари		13	7	783	31	344	14	17	77	13	56	3	33		17	701	2 100	1 995	105	42	63						
		Таъмирланмаган лимит																											
		Навоний вилояти буйича жами:		13	7	783	31	344	14	17	77	13	56	3	33		17	701	2 100	1 995	105	42	63						

*) Лойiha-метод ҳужжатларини ишлаб чиқариш жараёнида шикоят қилиниши мумкин.

"КЕЛИШИЛДИ"

"Қўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК директори
А.Шаратов
" " 2021 й.

**"КЕЛИШИЛДИ"**

Навоний вилояти УА-жиой коммунал хизмат курсатиш бошқармаси бошлиғи
Н.Жуманиёзов
" " 2021 й.

**"КЕЛИШИЛДИ"**

"Уй-жой фондидекацияси"нинг вилоят худудий инспекцияси бошлиғи
К.Рустамов
" " 2021 й.

**"КЕЛИШИЛДИ"**

"Қўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш буйича инжиниринг компанияси" ДУК Навоний вилоят худудий филиали бошқармаси
А.Бўриев
" " 2021 й.

